

Бақара сураси, 81-оят

08:10 / 04.10.2017 3819

Йўқ! Ким ёмонлик касб қилса ва уни хатолари қуршаб олган бўлса, ана ўшалар олов соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар. Бақара 81.

Демак, иш хомхаёл билан, ҳар кимнинг ўзича айтган гапи билан битмас экан. Ким дўзахий, ким жаннатий бўлишининг қатъий илоҳий ўлчови бор экан. Ушбу ўлчовга биноан, ким яҳудийларга ўхшаб гуноҳ ишларни очик қилса ва унинг хатолари кўпайиб кетган бўлса, ўша дўзахга тушади ва унда абадий қолади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:

«Кам эътибор бериладиган кичик гуноҳлардан эҳтиёт бўлинглар, чунки бир одамда улар тўпланса, уни ҳалок қилади», – деганлар.